



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 15 » декабрь

№ 783

Toshkent sh.

### **Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ–6034-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек судьяларнинг пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ва тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ–6034-сон Фармонининг 6-бандига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошлиқларига нисбатан Олий суд судьялари учун белгиланган, Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа ходимларига нисбатан эса, вилоят судлари судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рафбатлантириш шартлари татбиқ этилганлиги;

бунда, қайд этилган шартлар факат муқаддам судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилиши, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилиши ва пенсия тайинлашда хисобга олиниши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов





Вазирлар Маҳкамасиининг  
2020 йил “15” декабрдаги 783-сон қарорига  
илова

**Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари,  
меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

**1. 3-банднинг “в” кичик банди “Ёш” устуnidаги “50 ёшдан 60 ёшгача” сўзлари “50 ёш ва ундан ошганда” сўзлари билан алмаштирилсин.**

**2. 4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“4. Судья лавозимида иш стажига эга бўлган ва ушбу Низомнинг 30-бандида назарда тутилган лавозимларда ишлаган шахслар ҳам, мазкур лавозимларда узлуксиз бўлганлигидан қатъи назар, ушбу бандда белгиланган тартибда пенсия олиш ҳукуқига эга”.

**3. 30-бандда:**

**а) иккинчи–тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“шахснинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси, Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Хукуматининг қарорлари билан лавозимда бўлган даври;

шахснинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ёки Сенати аъзоси этиб сайланган (тайинланган) даври;

ҳарбий хизматчилар, ички ишлар идоралари бошликлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларнинг юридик ихтисослик бўйича хизмати даври, шунингдек, прокуратура идораларида даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар)га эга ходимларнинг ишлаган даври”;

**б) қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўшилсин:**

“илгари судья лавозимида ишлаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошлиги ёки Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа лавозимларда ишлаган даври;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабига ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг Судьялар олий мактабида ишлаган даври хисобга олинади”;

**в) бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.**

**4. 49-банднинг учинчи хатбошидаги “3-банди “Г” кичик бандига” сўзлари “3-банди “в” кичик бандига” сўзлари билан алмаштирилсин.**